

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Абдурахманова Жуммагул Номазовна,
тарих фанлари номзоди.
Чирчиқ давлат педагогика институти,
j.abdurahmanova@cspi.uz

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА)

For citation: Abdurakhmonova Jummagul Nomazovna. INFLUENCE OF THE SECOND WORLD WAR ON THE LIFE OF GREEK PEOPLE (EXAMPLE OF TRANSLATED GREEKS IN UZBEKISTAN). Look to the past. 2020, SI, pp. 79-84

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада иккинчи жаҳон урушининг таъсири натижасида Грецияда фуқаролар урушининг келиб чиқиши, фуқаролар урушидан кейин ватанидан қувғин қилинган, Ўзбекистонга кўчириб келтирилган грек миллати вакиллари ҳаёти, Ўзбекистон халқига хос инсонпарварлик, ғамхўрлик, бағрикенглик тамойиллари асосида уларга беғараз ёрдам кўрсатилиши тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Иккинчи жаҳон уруши, Халқ озодлик армияси, фуқаролар уруши, демократик кучлар, қувғин, диаспора, инсонпарварлик, ғамхўрлик, бағрикенглик.

Абдурахманова Жуммагул Номазовна,
кандидат исторических наук.
Чирчикский государственный педагогический институт,
j.abdurahmanova@cspi.uz

ВЛИЯНИЕ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ НА ЖИЗНЬ ГРЕЧЕСКОГО НАРОДА (НА ПРИМЕРЕ ГРЕКОВ ПЕРЕСЕЛЕННЫХ В УЗБЕКИСТАН)

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются истоки гражданской войны возникшей в Греции, в

результате Второй мировой войны, жизни греческих граждан, депортированных после гражданской войны, в Узбекистан и оказанная им гуманитарная помощь народом Узбекистана, основанная на принципах гуманности, заботы и добродушности.

Ключевые слова: Вторая мировая война, Народно-освободительная армия, гражданская война, демократические силы, гонения, диаспора, гуманизм, забота и добродушности.

Abdurakhmonova Jummagul Nomazovna,
Candidate of historical sciences
Chirchik State Pedagogical Institute

INFLUENCE OF THE SECOND WORLD WAR ON THE LIFE OF GREEK PEOPLE (EXAMPLE OF TRANSLATED GREEKS IN UZBEKISTAN)

ABSTRACT

The article explores the origins of the Civil War in Greece as a result of the Second World War, the lives of Greek nationals deported after the civil war, and their humanitarian assistance to the people of Uzbekistan based on the principles of humanity, care and tolerance.

Index Terms: World War II, People's Liberation Army, civil war, democratic forces, persecution, diaspora, humanism, care, tolerance.

Долзарблиги. Ер юзида инсон яшай бошлабдики, ҳаёти давомида кўплаб қийинчиликларни бошдан ўтказиб келган. Инсонлар ҳаётига даҳшатли азобларни солган бу урушлар ҳисобланади. Ҳар қандай уруш ҳам одамлар ҳаётида чуқур фожеавий из қолдиради.

Инсоният тарихи давомида жуда кўплаб урушларни бошдан кечирган бўлиб, булар ичида энг даҳшатлиси XX аср фожеаси бўлган иккинчи жаҳон урушидир.

Ўзбекистон халқи ҳам иккинчи жаҳон уруши даврида ўз юртига бўлган чинаккам юксак муҳаббат туйғуси, жонажон заминга тажовуз қилган душманга нафрат ҳисси билан фашизмга қарши курашга киришди. Фашизм устидан қозонилган галабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. "Буюк Ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорати ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати туфайли қарийиб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда яшаётганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур"[1].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқи турли қийинчиликлар ва машаққатларга қарамай, турли соҳаларда муайян ишларни амалга ошириб, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда бир қатор ютуқларни қўлга киритишди. Ўз навбатида уруш даврида ва урушдан кейинги йилларда ҳам республика ҳудудига кўчирилган турли миллат вакилларига халқимиз томонидан меҳр-мурруват, ғамхўрлик кўрсатилди.

Фашизмга қарши уруш тугагандан кейин эса халқ хўжалигини тиклашда, тинч қурилишга ўтишда ҳам яна бир бора Ўзбекистон халқи ўзининг жонбозликларини кўрсатишди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон халқ хўжалигининг тинч қурилишга ўтиши мураккаб халқаро вазиятда кечди. Урушдан сўнг фашизм устидан қозонилган ғалабага катта ҳисса қўшган Ўзбекистонликлар олдида ҳарбийлашган халқ хўжалигини тинч қурилиш йўлига солиш, уни урушдан олдинги даражага етказиш ва ривожлантириш каби мураккаб вазифалар турарди. Гарчи шундай оғир йилларда ҳам халқимиз нафақат халқ хўжалигини тиклаш ишларида жонбозлик кўрсатди, ўз навбатида Ўзбекистонга кўчирилган, ўз юртидан айрилган грек миллати вакиллари ҳам бегараз инсонпарварлик ёрдамларини аямадилар. Дунё тарихида энг мудҳиш оқибатларни олиб келган иккинчи жаҳон уруши даҳшатларини грек халқи ҳам ўзларининг ҳаёти давомида ҳис қилиб келишган. Унинг оғир жароҳат ва оқибатларини ҳеч қачон унитишмайди. Шу ўринда мамлакатимиз ҳудудига кўчирилган грекларнинг бу юртда яшаб, жамиятда ўз ўринларини топа олишганлиги Ўзбекистон халқининг бағрикенглиги, инсонпарварлиги, ғамхўрлиги натижасида бўлганлигини ўрганиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилиш даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда иккинчи жаҳон уруши туфайли Греция давлатида рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, фуқаролар уруши туфайли ўз юртидан қувғинга учраган, бошқа юртлардан бошпана топишга мажбур бўлган, Ўзбекистонга ҳам кўчирилган грекларнинг юртимиз ҳудудида яшаб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий жараёнларда иштирок этиб бориши ва бевосита уларнинг ҳаётида Ўзбекистон халқининг юксак фазилатларининг ўрни кўрсатиб ўтилган.

Грециядаги фуқаролар уруши, унинг оқибатида демократик армия аъзоларининг бир қисми мамлакатдан қувғин қилиниши хорижлик тадқиқотчилар Edgar O' Ballance (1966), Govard Jons (1989), Major Frank J. Abbott (1994), T. Lomperis (1996), Jeykob Berkovich, Richard Jekson (1997), Jose Cristy (1999), Nikos Marantzidis, Giorgos Antonio (2004), Frank H. Zimmerman (2007), Michael B, O' Sullivan (2010), Katelyn Squires. Erisian Mysteries (2018), A. Кожанов (A. Kojanov 2014), С. Балашкин (S. Balashkin 2018) ва бошқаларнинг қатор асарлари ҳамда мақолаларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон халқининг мамлакатимиздаги кам сонли миллатларга нисбатан бағрикенглиги, ғамхўрлиги, инсонпарварлиги Р.Х. Муртазаева (R. Murtazayeva 2010, 2016, 2019), А. Сагдуллаев (A. Sagdullaev 2018), К. Саипова (K. Saipova 2018), Ж. Абдурахманова (J. Abduraxmanova 2018), Б. Ҳайназаров (B. Haynazarov 2018), А. Одилов (A. Odilov 2019), Д. Иноятова (D. Inoyatova 2019) ва бир қатор тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари, монографиялари, асарларида ёритиб берилган. Бундан ташқари Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар, бағрикенглик масалалари Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги "Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик" илмий маркази томонидан ўрганилиб келинмоқда. Ушбу марказ томонидан бир қатор илмий-амалий конференциялар, илмий-тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистондаги греклар диаспораси тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши муҳим бўлган энг асосий мавзулардан биридир.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонга грекларнинг кўчирилиши тарихига назар солар эканмиз бу ҳолатга бевосита иккинчи жаҳон урушининг таъсирини кўриш мумкин.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейин Греция ҳам Европадаги бошқа

давлатлар қаторида фашизм гирдобига тушиб қолади. 1940 йил 28-октябрда Италия қўшинлари Грецияга бостириб кирди[2]. Грек халқи италян қўшинларига қарши кураш олиб бориб уларни ноябрь ойида мамлакат ҳудудидан қувиб чиқаради. Лекин, греклар Италия қўшинларига зарба бериб уларни мамлакатдан ҳайдаб чиқаришган бўлсада гитлерчи фашист босқинчилари ҳужумидан четда қолмади.

1941 йил 6 апрел куни Гитлер Германияси қўшини мамлакатга бостириб киради ва улар томонидан 2-июнда Греция батамом эгаллаб олинади[3]. Ўша пайтда мамлакатдаги мавжуд ҳукумат душманга қарши халқ ҳаракатига бош бўлиб курашиш ўрнига душман билан мураса йўлига ўтиб, ўз жонларини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади. Фашист босқинчилари қўл остида қолган эрксевар грек халқи эса озодлик учун курашга киришди.

Мамлакатда босқинчиларга қарши курашиш учун ватанпарвар кучлар томонидан 1941 йил 27-сентябрда Миллий озодлик fronti ташкил қилинди. 1941 йил декабрига келиб Халқ озодлик армияси (ЭЛАС) тузилади[4]. Озодлик кучлари томонидан фашистларга қарши кураш олиб борилди. Ушбу курашлар натижасида 1944 йилнинг ёзига келиб мамлакатнинг 2/3 қисми босқинчилардан озод қилинди. Лекин, Грецияда фашизмга қарши кураш кетаётган бир пайтда ҳокимиятни эгаллаш учун чет элда 1944 йил май ойида "Миллий бирдамлик" деб аталган ҳукумат тузилади ва ушбу ҳукумат мамлакатдаги фашизмга қарши ҳаракатни бостириш учун инглиз аскарлари ёрдамида мазкур йилнинг октябр ойида Афинага кириб келади. Халқ озодлик армияси (ЭЛАС)ни қуролсизлантиришга ҳаракат қилади. 1945 йил 12-февралда ҳукумат ва Миллий озодлик fronti ўртасида Варкиз битими имзоланди[5]. Ушбу битимга мувофиқ, ҳарбий ҳолатни бекор қилиб, афв умумий (амнистия) эълон этиш, барча қуролли отрядларни тарқатиш, давлат тузуми ҳақида плебицит ўтказиш ва бошқа тadbирларни кўриш ваъда қилинган эди. Миллий озодлик fronti ўз ваъдасида туриб Халқ озодлик армияси (ЭЛАС)ни қуролсизлантиради. Бироқ ҳукумат ўз ваъдасини турмади. Ҳукумат томонидан 1946 йил март ойида сайлов, 1946 йил сентябр ойида плебицит ўтказилди[6]. Лекин, бу сайлов ҳамда плебицит ҳам сохта тарзда, террор муҳитида ўтказилади ва мамлакатда монархия тикланади. Монархия тиклангач ҳукумат мамлакатдаги демократик кучларни йўқотишга ҳаракат қилади. Натижада Грецияда фуқаролар уруши бошланиб кетади. 1946 йил октябрда тараққийпарвар кучлар томонидан демократик армия тузилди[7]. Ушбу армия миллий мустақиллик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун уч йил мобайнида кураш олиб борди. Оқибатда армия мамлакатнинг бир қисмини озод қилди ва демократик муваққат ҳукумат тузилди. Лекин, урушининг чўзилиб кетиши демократик кучларни қийин аҳволга тушириб борар эди. 1949 йилда муваққат ҳукумат кенг кўламдаги ҳарбий операциялардан воз кечиш, меҳнаткашларнинг курашини иқтисодий ва сиёсий талаблар билан давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилди[8]. 1949 йил октябрда мағлубиятга учраган демократик армия қуролли қаршилиқ кўрсатишни тўхтатди[9]. Грециядаги фуқаролар уруши монархиянинг тўлағалабаси билан якунланди.

Иккинчи жаҳон урушининг грек халқи ҳаётига ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий таъсири шунчалик катта бўлдики, Грецияга дастлаб Италия қўшинлари, кейин Германия қўшинлари бостириб кирди. Фашист қўшинларни мамлакатдан қувиб чиқарилди. Лекин мамлакатда халқ ҳўжалигини тинч қурилиш йўлига ўтказиш учун ҳаракатлар кетаётган бир пайтда фуқаролар уруши келиб чиқди. Аҳоли 1946-1949 йилларда фуқаролар уруши гирдобидида қолди.

Фуқаролар уруши мамлакатда Германия истилодан кўра кўпроқ

вайронагарчиликни, иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқарди. Бундан ташқари тараққийпарвар арбоблар, демократик армия аъзолари қаттиқ таъқиб остига олинди. Минглаб одамлар узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинди, Гярос ва Марконис оролларида сургинга жўнатилди. Мамлакатдан қувғин қилинди. Мағлубиятга учраган кучлар ўз мамлакатини ташлаб қўшни давлатлардан бошпана ва паноҳ топишга мажбур бўлганлар. Собиқ совет давлатига келиб қолган грекларнинг бир қисми 1949 йилда Ўзбекистонга ҳам кўчирилган. Мазкур йилнинг октябр-ноябр ойларида Ўзбекистонга грек сиёсий муҳожирларидан 12 минг киши келган. Уларнинг 8571 нафари эркаклар, 3401 нафари аёллар, 28 нафарини ёш болалар ташкил қилган[10]. Ўз ватанларидан қувғинга учраган, юртидан айрилиқда ушбу инсонларнинг Ўзбекистонда яшаб қолишлари, бу юртга ўрганишлари, ишга жойлашишлари, ўқиб билим олишларида бевосита маҳаллий халқнинг инсонпарварлик, ғамхўрлик ва бағрикенглиги туфайли берган ёрдамларида эришганлар. Натижада греклар завод ва фабрикаларга ишга жойлашдилар, бошпанага ҳам эга бўлдилар. Гарчи, ўзбек халқи урушдан кейинги оғир даврларни бошдан кечираётган бўлсада, бу муҳожирларга ўзларининг беғараз ёрдамларини аямадилар. Кўчириб келтирилганларга маълум маблағлар ажратилди, билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун турли курслар ҳам ташкил қилинди. Энди улар нафақат мактабларда ўзлари танлаган мутахассислик бўйича ўрта махсус билим юртлари ва олий таълим муассасаларида ҳам ўқишларини давом эттириб бордилар. Манбалардан шуни билиб олиш мумкинки, 1954-1955 ўқув йилида 600 нафар грек фарзандлари 7 синфни битириб чиққан бўлса, 65 нафари 10 синфни тугатган[11]. Кейинги йилларга келиб улар сони яна ҳам ортиб борган. Масалан: 1972-1973 ўқув йилига келиб республикадаги умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус билим юртлари, техникумлар ва олий ўқув юртларида таълим олаётган грек миллатига мансуб ёшлар 3050 нафарни ташкил қилган[12].

1975 йилга келиб Греция давлатида монархия тузуми ағдарилади. Мамлакатда қулай сиёсий вазият юзага кела бошлади. Вазият яхшиланиб, қувғинга учраган грек муҳожирларига ватанига қайтиш имкониятлари яратилди. Натижада Ўзбекистондаги грекларнинг аксарият қисми ўз юртига қайтиб кетишга муваффақ бўлишди. Бир қисми эса Грецияга қайтмасдан Ўзбекистонда яшаб қолдилар.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик фазилатлари янада юксалди. Республикамизда амалга оширилаётган барқарор сиёсат туфайли миллатлараро муносабатлар янада такомиллашди.

Миллатлар ўртасидаги ўзаро тотувлик, эътиқод эркинлигини таъминлашган қаратилган ислохотлар туфайли мамлакатимизда 16 та диний конфессия, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда. Бундан ташқари республикамизда улар учун кенг миқёсдаги имкониятлар яратилган бўлиб, натижада ҳар бир миллат вакилларининг миллий маданий марказлари фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистондаги бир қатор миллий маданий марказлар билан бир қаторда 1997 йил 4 мартда Тошкент шаҳрида ташкил этилган "Грек маданияти жамияти" ҳам фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб давлатимизнинг миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган сиёсати янги босқичга кўтарилди.

4. Хулосалар:

- Иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир йилларда ҳам Ўзбекистон халқининг кам сонли миллатларга нисбатан олижаноб фазилатлари намоён бўлиб келган;

-иккинчи жаҳон урушининг маъшум оқибатлари натижасида греклар ўз юртидан қувилиб, муҳожир сифатида Ўзбекистонга келиб, истиқомат қилишар экан, уларнинг бу юртда яшаб, ижтимоий ҳаётга кўникишлари, ўз ўринларини топишларида ҳам, халқ хўжалигида бевосита иштирок этишларида ҳам халқимизнинг беғараз ёрдамлари катта бўлган;

-Мустақиллик йилларида халқимизга хос эзгу фазилатларнинг янада юксалиши республикаимизда амалга оширилаётган барқарор сиёсат, миллатлар ўртасидаги ўзаро тотувлик, эътиқод эркинлигини таъминлашган қаратилган ислохотлар туфайли мамлакатимизда 16 та диний конфессия, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб келишмоқда;

Ўзбекистон халқинингэнг оғир, совет мафкураси ҳукмрон бўлган йилларда ҳам, фашизмга қарши урушнинг аянчли йилларида, урушдан кейинги оғир йилларда ҳам Шарқ маънавиятининг энг яхши анъаналари амал қилиб, ўз юртидан айрилган инсонларга ғамхўрлик қилишди, инсонпарварлиги ҳамда бағрикенглигини, халқимизга хос эзгу фазилатларини кўриш мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

[1].Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.Mirziyoev at the solemn ceremony dedicated to the Day of Memory and Honour May 9, 2019 // Xalq so'zi. May 10, 2019. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 9 май "Хотира ва қадрлаш" кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи. 2019 йил 10 май).

[2,3].Major Frank J. Abbott. The Greek Civil War, 1947-1949: Lessons for the Operational Artist In Foreign Internal Defense. Kansas. 1994.page 3.

[4]. OSullivan, Michael B. "The Greek Interwar Refugee Crisis as a cause of the Greek Civil War, 1922-1949," Historical Perspectives: Santa Clara University Undergraduate Journal of History, Series II: Vol. 15, Article 8. 2010, page 58.

[5]. F.A.O. JOURNAL. Volume IV, number 3. september 1999. page 13.

[6]. Katelyn Squires. Erisian Mysteries: The Art of Squatting, Resistance and Solidarity in Exarcheia, Athens. Contingent Horizons Volume 4, Number 1, 2018, page 19.

[7]. Frank H.Zimmerman.Navalpostgraduateschool,Monterey,California.// Thesis.March2007,page 40.

[8]. Countries around the world. Brief political and economic reference. Т., "Ўздавнашр", 1962, page 44. (Жаҳондаги мамлакатлар. Қисқача сиёсий ва иқтисодий маълумотнома. Т., "Ўздавнашр", 1962. 44-бет).

[9]. Frank H. Zimmerman. Naval postgraduate school, Monterey, California. // Thesis. March 2007,page 50.

[10]. Central State Archives of the Republic of Uzbekistan, fund R-837, List 42, Volume 52, page 2. (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Р-837 фонд, 42-рўйхат, 52-йиғма жилд, 2-варақ).

[11]. According to data of the Greek Cultural Society of Tashkent. (Тошкент шаҳар грек маданий жамияти маълумотидан).

[12]. Central State Archives of the Republic of Uzbekistan, fund R-837, List 42, Volume 36, page 49. (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Р-837 фонд, 42-рўйхат, 36-йиғма жилд, 49-варақ).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000